БЕМОРЛАРНИ СТАТИСТИК ТАХЛИЛИНИ ЎРГАНИШ-УРОЛОГИЯ БЎЛИМИ

Турдибеков И.С. 113-гурух 1 Педиатрия ва халқ табобати факультети Илмий рахбар: ассистент Умарова М.С.

ТошПТИ, Болалар касалликлари пропедевтикаси, гематология кафедраси

Долзарблиги: Сўнгги йилларда эришилган ютуқларга қарамасдан сийдик хосил қилувчи ва ажратувчи органларнинг касалликлари тиббиётда ва замонавий диагностик ва профилактик урологияда асосий муамолардан бири хисобланмоқда. Бу муаммони актуаллигини тушунишда касалликларни тарқалиши яъни эпидемиологияси билан қизиқишни ўзи етарли. Экологиядаги ўзига хос ўзгаришлар, озиқ-овқатда сунъий воситаларини кўпайиши, дори препаратларини шифокор кўрсатмасиз ишлатилиши ва эмлашларни нотўғри қилиниши, хомиладорлик патологиялари ва кўпгина касалликларни асорати турли хилдаги буйрак касалликлари нуқсонларини кўпайишига олиб келмоқда. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра нуқсонлар билан туғилган болалар орасида туғма буйрак нуқсонлари 2 % ташкил этади.

Іііііііі мақсади: ТошПТИ урология бўлимида буйрак касалликлари билан ётган беморларни мурожатини аниқлаш, унинг структурасини ўрганиш.

Материал ва усуллар: 2020 йил урология бўлимида даволанган 609 беморларни касаллик тарихидан олинган маълумотлар статистик тахлил қилинди.

Натижалар: 2020 йил мобайнида урология бўлимига 609 та бемор мурожат қилган. Шулардан 480 (78,8%) бемор бола жаррохлик йўли билан даволанган. 129(21,1%) бемор консерватив даволанган.

МКБ 10 таснифи бўйича қуйидагилар аниқланди: I 861 – варикоцеле- 28(4,56%), К 400-грижа-10(1,64 %), Т134-гидронефроз-56 (9,1%), N137-20- уретрани орқа девори аномалияси(3,2%), N 200-Буйрак тош касаллиги – 31(5,09%), N 363-уретроцеле10(1,64 %), \368-уретра тери оқмаси 25(4,1%), \390-сиидик йўллари инфекцияси-20(3,28 %), №33гидроцеле-25(3,07), №39-крипторхизм-52(9,3%), №49-гипоспадия130(16,4), N641 -экстрофия-12та(3,6%),№61 -СПО 74(9,3%),N130 гидронефроз-28((6,3%), \649-сиидик йўллари аномалияси100(13,5) ва хаказо.

Ёш бўйича тақсимланганда: 14 ёшгача ёшгача- 605та, 14 ёшдан кейин 306та бемор.

Вилоятлар кесими бўйича Тошкент шахри-182(6,4%) Тошкент вил-242(16,7%), Сирдарё-48(4,5%), Жиззах-43(4,8%), Самарканд-25(8,8%) Қашқадарё-35(8%), Сурхондарё- 39(9,8%), Бухоро-40(6,2%), Хоразм19(2,9%), Навоий-31(3,9%), Андижон-29(4,9%), Наманган-59(6,07%), Фарғона 66(12,4%), Қорақалпоғистон Республикаси-30(2,72%), МДҲ-25(0,37%).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики аксарият нуқсонлар билан беморлар 5 ёшгача мурожат қилинган. Кейинги ёшларда мурожатлар сони камайган.

451 (74%) бемор биринчи марта, 158 (26%) бемор иккинчи марта мурожаат этган. Йил давомида ётган беморлардан 585 (85%) болани ахволи яхшиланди ва тўлиқ тузалди, 24(3,9%) бемор ўзгаришсиз уйга кетди.

Хулоса: Олинган натижаларга кўра шу нарса маълум бўлдики, энг кўп мурожат қилган беморлар Тошкент ва Тошкент вилоятидан. Касалликни сабаби йиғилган анамнестик маълумотларига кўра -хомиладорлик вақтида ўтқазилган эрта соматик касалликлар 58%, хомиладорлик гестозлари 23%, танқислик анемияси 12%, қариндошлар орасидаги никох-5%, хамда оиладаги турли хил стресс холатлар 2% ташкил қилди.

Список литературы:

1. Юсупов, А. С., Маматкулов, И. А., Маматкулов, И. Б., Файзиев, О. Я., Авазов, Ж. Х., & Собиров, Э. Ж. (2017). Комбинированные методы анестезии с применением центральных анальгетиков при урологических операциях у детей. Молодой ученый, (17), 148-152.